



(Фаргона хаётдан)

— Хах, тангримга шукр, ох, ухлаб кетди! — деди ва эски тўшаклар орасида тўлиб-тошиб ухлаб ёткан боласига она мухаббати билан узок-узок тикилиб карагандан кейин:

— Жиндак мизгиб олай,— деди ва бошини секингина болишка кўйди.

Бу каттагина бир кишлокда ўтиб ёткан бир рўзгор, у боласини ухлатган Хадичахон деган ёш бир жувон. Ухлаб ёткан бола бўлса, унинг кичик ўгли Исхокжон эди.

Исхокжоннинг отаси Розикжон ўша кишлоклик бир дехкон йигит бўлиб, тўрт-беш таноб ерига ўзи ишлаб, беш-олти йилдан бери шу рўзгорини айлангириб келар эди.

Рўзгор катта эмас: бир хотуни, бир онаси, икки ўгли ва бир ўзидан иборат кичкинагина бир йигин эди.

Инкилобдан бир-икки йил бурун янги уйланган вақтларида рўзгори яхши, тинч, бир хилгина ўтиб турган эди. Инкилоб бўлиб, мана, ички урушлар бошланиб, юрт уруш майдонига айлангандан кейин талага чикиб дехкончилик килиш кийинлашиб, рўзгорни келдириб олиб бориш ҳам жуда огир бўлиб қолди. Шундай бўлса ҳамки, ёш, гайратлик, лекин ёшлигидан бери тинчликни севиб катта бўлган Розикжон куч ва кувватини, гайрат ва харакатини бирга ўн ошириб, бир қарич тупрок устида ишлади. Сўнг чоғларгача рўзгорини тебратиб келди.

Рўзгорнинг ички хожатлари учун иккита соғим сизир, битта кўшчи от орттирди. Шундай килиб, бу турмуш ўтган йили шу чоғларгача бир хилда давом этиб келди.

Бултур шу вақтларда Розикжон у... хуфтонгача таладан қайтмасдан, кечикиб қолди. Хадичахон замоннинг тинчсиз вақтларида эрининг кеч қолишидан кўркса ҳам, «бугун ўрокни бўлса, нариги жўғари томонга сув боғламокчи эди», деб шу билан ўзини юпатди. Ярим кеча — сахар бўлди. Розикдан хабар бўлмади. Хадичахон билан қари кампир огир бир изтироб остига тушган эдилар.

Эшикни қокдилар.

Эшик очмок учун чикиб кетган кампир: "Вой болам"лаб йиглаб кирди. Кўнгли бузулгон Хадичахон ирғиб ташқарига чиқиши билан уч эркакнинг кўллари устида қора қонга бўялиб ёткан Розикни кўрди!

Бир нафас тўхтади, на йиги қелди, на бошка, бош қотди. Кейин ўликни бўйранинг устига кўйиб кетаёткан кишилардан:

— Вой, бу нима гап? — деб сўради.

Кишлок кишилари шошилмасдан, ховликмасдан, вазминлик билан:

— Келин, бу таладан келаётиб йўлда беклар отиб кетибдур,— деб жавоб бердилар...

Шунга бир йил бўлиб ўтди.

Розикжон эсдан чикаёзиб колди. Хадичахон боласи Исхокни ухлатиб бўлиб, ўзи болишка бошини кўйган вақтида Розикжон хаёлига тушди. Ундан кейин ухлай олмай, узок-узок ўйланиб ётди.

Кун чиккан, тиглари панжара оркали чўзилиб уй ичига кирганлар эди. Ухлай олмай, боласига яна бир тикилиб олгач, бошига калта камзулини ёпиб, тўппа-тўгри кўчага чикди. Беш кадам юриб, чап кўлдаги тор кўча билан талага чикди. Талада ишлаб ёткан дехконларга караб, Розикжонни тугалгина эсига солмокчи эди.

Бу йил бир мунча ерга пахта экилган, ана шу Турдиали ўз ерида пахта чопиб турадур.

Тутнинг тагига ўт ёкиб, кичкина човгунчани кайнатиб кўйган: тўнини тутка илган...

Ох, агар шу Розикжон бўлса эди, чойдиш кўйиб чой дамлаб, зогора нон билан олиб чикар эди... Кўнгли тўлди, кўзига хохлар-хохламас бир томчи ёш келди. Кўз ёшларини кир-могор енги билан секингина артиб, яна уйга кайтди. Кўча тарафдаги эшикни очиб, ичкарига кириши билан кампир йўликиб:

— Собиржонни икки хурмача катик бериб, сахарга юбордим: «Дарров сотиб, бир кадок-ярим кадок гўшт олиб кел!» — дедим, болам бечора кетди,— деди.

Келиннинг акли талада, бир вақтлар талани яшнаткан Розикжонда эди. Англа-англамас бир ахд билан, бўшангина, эшитилар-эшитилмас килиб:

— Яхши килибсиз,— деди.

Шу билан индамасдан уйга кириб кетди.

Пешин бўлди, кеч кирди. Собиржондан дарак бўлмади. Кампир билан келин талвасага тушдилар. Дархол кўни-кўшнига хабар бериб, кўшнининг катта ўгли Холматни отка миндириб сахарга юбордилар. Холмат у кеча кайтмади.

У кечани кампир билан келин бир дўзах азобида ўтказдилар, чой хам ичмадилар, овкат хам емадилар.

Эртаси эрта билан Собиржоннинг ўлигини кўтариб Холмат келди. Йиги-сиги орасида сўраганларга Холмат йигит сира пинагини бузмасдан:

— Шахарда отиш бўлган экан... Ўк теккандур, ё арманлар отиб кетгандур,— деб жавоб берди...

Хадичахон 23 га кадам боскан. Локин ҳеч ким уни 23 да демайдур; билмаган кишилар уни кари жувон, 35 ларга кирган бир хотун дейдурлар. Унинг акли, хуши хам жойида эмас, кишлок болалари: «Хади жинни» деб от кўйганлар. Мунинг ахволини яхши билган кишиларнинг хамма вақт унга рахмлари келадур, «бечора жувон» дейдурлар.

Бечора жувоннинг кичик ўгли Исхокжон хам касал. Мундай замонда табиб, дору дармон хам топилмайдур.

Бечора хотун безгак чангалида калтираб ёткан боласини захарлик кўз-ёшлари тўкуб туриб, куруб-котиб кётган багрига босадур-да:

— Битта-ю биттам, ёлгуз кўзичогим, худойим сенигина кўп кўрмасин!..— дейдур. Ва тикилган, бўгулган нафаси билан узулуб-узулуб йиглайдур...

1923 йил.